



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 19-fevral • Payshanba • 22 (27.983) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

➤ Фракция фаолияти

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида 24 та таълим муассасаси жойлашган. Бу ерда қарийб 40 минг талаба таҳсил олади. Уларнинг ярмига яқини қишлоқ туманларидан келган. Демак, қишлоқда яшовчи аҳоли, Ўзбекистон ХДП электорати билан ишлашда уларнинг имкониятларидан фойдаланиш катта самара бериши мумкин. Шунинг ҳамда олиб, партиямизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси талабалар билан мунтазам равишда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда.

ЁШЛАРГА ЯРАТИЛГАН ИМКОНИАТЛАР

қадрига етиш ва улардан самарали фойдаланиш зарур



2-бет ➤

❖ ЎЗХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

МАСЪУЛИЯТ ЮКИ

Электоратни фаоллаштирмасдан туриб мақсадга эришиб бўлмайди

Тошкент вилоят партия кенгаши «Ўзбекистон ХДП аъзолари, электорати вакилларида юксак маънавият, сиёсий маданият ва фуқаролик масъулиятини шакллантиришда партия ташкилоти, депутатлик бирлашмаларининг вазиғлари» мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари, партия кенгашлари масъул ходимлари, «Истиқбол» ёшлар, «Фол аёллар» қанотлари етакчилари, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари қатнашди.

Мавзу юзасидан вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиддин Аъзамов маъруза қилди.

— Партия етакчилари электорат ҳаётини яхши билиши, ижтимоий ҳаётни чуқур таҳлил этиши, ташаббускор бўлиши, депутатлик гуруҳлари ишини самарали ташкил эта олиши лозим, — деди у. — Бу борада бошланғич ташкилотлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкланади. Улар меҳнат жамоаси ёки ўз худудида обрўга эга бўлса, электоратга ёрдам бериш қўлидан келса, ҳурмат-эътибор ва ишонч қозонади. Натижада хайрихоҳларимиз янада кўпаяди, партиямиз мавқеи мустаҳкамланади.

— Биз БПТ раҳбарлари, тарғибот-ташвиқот гуруҳлари аъзоларининг мунтазам равишда ўқишини ташкил этганимиз, — деди Ангрен шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Баҳриддин Ханаев. — Улар бевоқиф аҳоли орасида бўлишини ҳисобга олсак, бу ташаббус одамларда сиёсий маданият ва фуқаролик масъулияти ўсишига хизмат қилиши аён бўлади.

Тадбир иштирокчилари бу борада хали кўп ишларни амалга ошириши, фаолиятни такомиллаштириши лозимлигини таъкидлашди. Кичик гуруҳлардаги интерфаол машғулотларда эса тақлифлар ишлаб чиқилди.

Гулярух ЭРГАШЕВА

2-бет ➤

❖ Мустақиллик иншоотлари

МЎЪЖИЗА

«Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўлида денгиз сатҳидан 1300 метр баландда жойлашган металл кўприклар фойдаланишига топширилди

Зиёган шартномага асосан, 5 та металл кўприк бунёд этиш қўзда тутилган эди. Ўтган йилнинг поёнида кўприкларнинг иккитаси фойдаланишга топширилди. Улкан иншоотларнинг умумий узунлиги 567 метрни ташкил этади. Денгиз сатҳидан 1300 метр баланддаги бу кўприкларга тиклиб, уларнинг ҳар бири мўъжиза эканига иқдор бўласиз. Япон ва ўзбек кўприкчилари яна учта металл кўприк қурилишини жадал давом эттиришмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



• МИРЗО УЛУҒБЕК

«Бу бекиёс илмий-маърифий тараққиёт Европа уйғониш даврига туртки берди ва Европа илм-фанани камол топишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди».



2-бет ➤

❖ Шарҳ

• ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ

тобора чуқурлашиб бормоқда




3-бет ➤

❖ Тошкент — менинг тақдиримда

• МЕҲР

Тошкент аждодларимизнинг орзу-умиди тисолига айланмоқда. Унда халқимизга хос олижаноб фазилатлар мужассам. Юртимизни дунё билан боғлаб турибди.



4-бет ➤

«Ўтган йили 2 минг 600 километрдан ортиқ ичимлик суви ҳамда 825 километрдан зиёд табиий газ тармоқлари фойдаланишга топширилди».

! Ўз мухбирларимиз хабар қилади

МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

НАВОИЙ. Яқин-яқингача хориждан сотиб олинган ва оғир саноатда қўл келадиган станок(дастгоҳ)созлик техникалари эндиликда республикамизда, жумладан, Навоийда ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Биласиз, ўзимизда тақчил бўлган металл кесиш, унга шакл бериш, сайқаллаш дастгоҳлари ўта харидорбоп бўлиб, уларга жаҳон бозорларида талаб катта. Масалан, япон ва немис мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган шу хилдаги техникалар билан бемалол рақобатлаша оладиган «НТ-250-4» ва «1 М. И. 63 Н» типидagi токарлик станоклари айни кезде тоғ-кон саноатида кенг ишлатилмоқда. Шу билан бирга Россия, Украина ва Белорусь Республикасига экспорт қилинмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ

ҚЎШМА КОРХОНА

СИРДАРЁ. Вилоят марказида бир кеча-кундузда 30 тонна мевани қайта ишлаш қувватига эга янги қўшма корхона ишга тушди.

Туркиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда барпо этилган «Urso — Mipor» корхонаси 60 кишини доимий иш билан таъминлаш имконини берди. Хорижлик сармоядорлар мазкур корхонани ишга тушириш учун 1 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритишди. Тайёрланган шарбатлар ҳадемай ички ва ташқи бозорга чиқарилади.

Мунаввар ПАРДАЕВ

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

ХОРАЗМ. Богот туманидаги «Котонтекс» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасида йилига икки минг тонна ип-калага тайёрланади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, жаҳон андозларига мос рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида корхонага замонавий ип-ийиғрув дастгоҳлари олиб келиб ўрнатилди. 2008 йил давомида бу ерда тайёрланган ип-калаванинг асосий қисми экспортга чиқарилди.

Корхонани янада ривожлантириш учун бир миллион АҚШ доллари миқдорига тенг инвестиция киритиб, ишлаб чиқариш ҳажминини икки бараварга ошириш мўлжалланмоқда. Натижада йилига тўрт миллиард сумликдан зиёд маҳсулотни ташқи ва ички бозорга чиқариш, эллика яқин янги иш ўрни яратиш имкони бўлади.

Рўзиқбой ҲАСАН

«ШАРҚОНА БОЗОР»

Мамлакатимиз аҳолиси учун тенг имкониятлар яратиш мақсадида UZ домен зонаси маъмурияти — ccTLdUZ UZ домен зонасидаги иккинчи даражали домен номларини рўйхатга олиш ва рўйхатга олинган домен номларини узайтириш нархларини пасаитириш бўйича «Шарқона бозор» номи тадбир ўтказилмоқда. Бундан асосий мақсад — республикамиз барча худудлари аҳолиси ва юридик шахслари учун (Тошкент шаҳридан ташқари) UZ домен зонасида домен номларини рўйхатга олиш ва рўйхатга олинган домен номларини узайтиришда имтиёзли шароитлар яратиш орқали Интернет тармоғидаги миллий ресурсларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашдан иборат.

«Шарқона бозор» жорий йил охирига қадар давом этади. Дарвоқе, UZ домен зонаси ва Интернетнинг миллий сегментини ривожлантириш мақсадида ccTLdUZ маъмурияти томонидан муқаддам «UZ доменда сенинг номинг» ва «Янги ғоя» каби ўхшаш тадбирлар ўтказилган.

Алишер РЎЗИЕВ



O'zbekiston havo yo'li

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ

тобора чуқурлашиб бормоқда

Халқаро
хаёт

Жаҳон иқтисодиёти бугун шунчалик танг аҳволга тушиб қолдики, манаман деган давлат раҳбарлари, йирик мутахассислар вазиятни ўнлаш устида бош қотирмоқда. Инқироз деб аталган бу бўҳрон нафақат Американи (молиявий инқироз белгилари 2007 йил декабрдаёқ Америкада ўзини намоён эта бошлаган) ёки ривожланган бир-иккита давлатни, балки қатор мамлакатлар иқтисодиётини ўз домига тортмоқда. Кўпгина муассаса ва ташкилотларнинг банкротлик ҳолатига тушиб ишсизликни янада кўпайтирмоқда. Айниса, АҚШ, Европа Иттифоқи, Украина, Япония ва бошқа қатор мамлакатларда гоят таъшишли ҳолат юзга келган.

Ўтган йил сентябрда «CNN» телекомпанияси ўзининг веб-сайти орқали «Бундан мазмунлироқ бўлган намуналар қандай бўлиши мумкин?» деган савол билан онлайн-сўров ўтказганда, унда иштирок этган 131 минг 208 нафар кишидан 18 фоизига «Ҳа» деб, 82 фоизи эса «Йўқ» деб жавоб берган эди. Ҳақиқатан ҳам, АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Буш етакчилигидаги маъмурият мамлакатни таъназул домида қутқара олмади. Гарчи, ноябрь ойида компанияларнинг нолиқиди активларини давлат томонидан сотиб олиш ва иқтисодий пасайиш даражасини камайтириш учун «Полсон режаси»га кўра, 700 миллиард доллар ажратилган бўлса-да, доллар ўзгармади.

Бугунги кунда ишсизлик даражаси ортганда ортиб бормоқда. Масалан, АҚШ Меҳнат вазирлигининг маълумотларига қараганда, ўтган йил сентябр-гача иш берувчилар 1,2 миллион иш ўрини қисқартирган

бўлса, сентябрнинг ўзида 240 минг, ноябрда 533 минг, декабрда 524 минг киши ишдан айрилган. Бу кўрсаткич жорий йил январь ойида 598 минг киши ҳафтасининг ўзида 626 минг киши давлат томонидан бериладиган ишсизлик нафақасини олиш учун мурожаат этган. Бу кейинги 26 йил ичида энг юқори кўрсаткичдир.

2008 йилнинг тўртинчи чорағидан Америкада ялпи ички маҳсулот 3,8 фоизга тушиб кетди. Ҳўш, бу иқтисодий инқирознинг охири кўринадими? Ундан кутулишнинг чоралари борми? Яқинда АҚШ Сенати мамлакатнинг энг президенти Барак Обама маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган режани маъқуллаб, иқтисодий-молиявий инқирозни бартараф этиш учун 787 миллиард доллар миқдорда маблағ ажратилишига қарор қилди.

Бирок шунга таъкидлаш лозимки, таъназул сиртмоғидан кутулиш узоқ давом этадиган жараён. Негаки, бугунги гло-

баллашган даврда жаҳон ҳам-жамиятининг иқтисодий томирларига давлатларро бир-бирига боғлиб кетган. Шунинг учун ҳам иқтисодий инқироз Европа Иттифоқида аёзо давлатларида, Канадада Япония, Тайван Украина, кўйинги, жуда кўплав давлатларни камраб олди.

Японияда 2008 йилнинг охириги 3 ойда ялпи ички маҳсулот июлдан сентябргача бўлган даврга нисбатан 3,1 фоиз тушиб кетди. Ишсизлик эса ноябрда 3,9 фоизга ташкил этган бўлса, декабрда 4,4 фоизга етди. Бу кейинги 41 йил ичида энг баланд кўрсаткич.

Аҳоли бандлиги масалалари бўйича шуғулланувчи Бельгиянинг «Graydon» маркази таҳлилларига кўра, 2008 йилда Бельгияда 8 минг 512 та корхона банкрот бўлган. Айна дамида бу рақам 9 мингга яқинлашиб қолди. Умуман, ишсизлар сони 385 минг кишидан ортиб кетди.

Европа Иттифоқида аёзо давлатларида ўтган йил охирида санаот ишлаб чиқариши 12 фоизга тушгани ҳолда ишсизлик янада кўпаймоқда. Масалан, Испанияда ишсизлик 13,9 фоизга етди. Ил охиригача бу рақам 15,9 фоизга етиши мумкин. Латвияда эса январь ойида аҳолининг 8 фоизи, яъни 87 мингга ишсиз эди. Ил охиригача бу рақам 130 мингга — 14 фоизга чиқиши мумкин. Бундай ҳолат Германия, Буюк Британия, Швеция, Эстония, Франция сингари давлатларда ҳам кузатилаётган.

Ўтган ойнанинг ўзида Европада автомобил савдоси 27 фоизга тушди. Айниса, бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан Исландияда минус 88 фоизи, Ирландияда -67, Латвияда -78, Германияда -14, Буюк Британияда -31, Францияда -7,9, Руминияда -53,2, Венгрияда -52,3 фоизни ташкил этди. АҚШда ҳам бу борада пасайиш (40 фоиз) қайд этилди. Бу инқироз Россияга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Айниса, миллиардерлар сармоясини ва сони анчага камайтирди. Яъни 2008 йилда миллиардерлар сони 101 нафарни ташкил этган бўлса, эндиликда 49 нафарга тушиб қолди. Россия молия вазирининг айтишича, жорий йилда пулнинг қадрсизлашиши даражаси 14 фоизгача етиши мумкин.

мақсад учун 2 миллион евро ажратилади. Европарламент эса жиддий ҳужжат қабул қилди. Эндиликда қайсики иш берувчи хориждан ишчи кучи жалб этса, йирик миқдорда жаримага ёки қамоқ жазосига тортилади.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи инқироздан чиқиб йўлларини муҳокама этиш учун март ойида Брюсселда, май ойида эса Чехияда тезкор акция инқироз саммитини чакирмоқчи. Биринчи саммитда ЕИга аёзо 27 та давлат иштирокида иқтисодий масалалар кўриб чиқилса, иккинчи саммитда ишсизликни бартараф этиш чоралари муҳокама этилади.

Ҳўш, жаҳон иқтисодий инқирозининг республикамизга таъсири қандай бўлмоқда? Бу саволга кўни кеча Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунига бағишланган йиллик маълумотида аниқ ва лўнда жавоб берди: «**Биз иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шартларнинг ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришган эдик. Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастури тасдиқланган, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича аниқ ижрочиларга етказилди. Дастур ижросини қатъий назорат қилишни таъминлаш мақсадида ҳукумат комиссияси ва жойларда ҳудудий гуруҳлар ташкил этилди.**

Мухтасар айтганда, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бошлаб юборилди ва 2009 йилнинг январь ойи якунига бундай дастур ижроси ўзининг дастлабки, аниқ шунчалик натижаларини бераётганини кўрсатмоқда».

Алимқул СУЛТОНОВ,
сиёсий шарҳловчи

➤ Табиат ва инсон

ЎРМОНЗОРЛАР — ЯШИЛ «ФАБРИКА»ЛАР

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўрмонзорлар инсоният учун зарур бўлган кислороднинг 60 фоизини ишлаб чиқаради. Бир гектар майдондаги дарахтзор ёки бутазор ҳаво таркибидеги 220-280 килограммгача карбонат-ангидрид газини ва бошқа аэроген газларни «тутиб» ўзлаштиради. Натияжада 180-220 килограмм кислород ишлаб чиқаради. Шунингдек, ўрмонлар тушроқни шамол ва сув эрозиясидан, автомобиль ва темир йўллар, каналлар, қишлоқ хўжалиги экин майдонларини, аҳоли истиқомат маканларини турли табиий ҳолатлардан ҳимоя қилади. Сел, сув тошқини, қор қўчиши, тупроқ силжишининг олдини олади.

Республикамизнинг мавжуд ўрмонзор массивларидан оқилона фойдаланиш ва уларни кенгайтириш мақсадида 2006 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича Халқаро ФАО ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси ҳамкорлиқда «Ўзбекистон Республикаси Миллий ўрмон дастури ва ўрмон қўнунчилигини ишлаб чиқишда ёрдам» лойиҳасини амалга оширмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунга келиб, ўрмон майдонларини кўпайтириш, ўрмонзорларни қайта тиклаш, уларни қўриқлаш ва сақлаш юзасидан қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон кам ўрмонли ҳудудлардан ҳисобланади. Республикаимиз ўрмонлари фанда 1-гuruh ўрмонзорлар тоифасига киради. Зеро, бу тоифадаги ўрмонлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин эмас. Яъни, улардан фақат экологик вазиятни яхшилаш мақсадида фойдаланиш кўзда тутилган.

Мамлакатимиздаги мавжуд ўрмон фонди ерларининг жами майдони 8 миллион 500 минг гектарни ташкил этиб, шундан 7 миллион гектардан зиёди чўл ҳудудлардан иборатдир. Бундан кўриниб турибдики, давлат ўрмон фонди ерларининг қарийб 87 фоизини чўллар ташкил қилади. Шу боисдан ҳам Орел денгизининг қуриган қисмида ҳар йили 15 минг гектар майдонда ўрмонлар барпо этиши ишлари бажарилади. Ўрмончиликка исти-

ослашган корхоналарда йилига 30-35 минг метр-куб ёғоч, жумладан, 2 минг метр кубдан зиёд бинокорлик материаллари ҳамда 150 тонналик ўсимлик уруғлари тайёрланади. Рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда ўрмончиликка давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Фикримизнинг ёрқин далили — ўрмончиларимиз томонидан ҳар йили 42 минг гектардан зиёд майдонларга дарахт кўчатлари эчкилмоқда, шунингдек, 50 миллион тулга яқин дарахт кўчатлари етиштирилмоқда. Бу дарахтлар турлари бугун 60 дан зиёд киши ташкил этаётди. Бундан ташқари, Бухоро ва Намойи вилоятлари ҳудудларининг қишлоқ хўжалиги майдонларини кум кўчирилдан муҳофизат қилиш мақсадида «Яшил қалқон» ва иҳота ўрмонлари яратиш ишлари олиб борилаётган. Саҳро ва чўл зоналарида ўрмонларни қайта тиклаш ва янгидан барпо этиш ҳажмлари йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу эса умумий ўрмон барпо этиш ҳажмининг 75-80 фоизини ташкил этади.

Бугун Орел хусусида бўлаётган баҳс-мунозараларда унинг тақдирини билан боғлиқ фикрлар гоёт кўнрақ билан гапирилмоқда. Сир эмас, денгиз қўриб борган сари иқлим ва экология номуносиблиги кучайиб, кишилар саломатлигига жиддий таъсир қўрсатишмоқда. Шу боисдан ҳам Орел денгизининг қуриган қисмида ҳар йили 15 минг гектар майдонда ўрмонлар барпо этиш ишлари бажарилаётган.

Дарҳақиқат, ўрмончиларимиз мамлакатимиз табиатини янада фансузор этиш, унинг бетакор манзараларини сақлаб қолдириш, экологик вазиятни яхшилаш борасида катта-катта тадбирларни амалга оширмоқда.

Яқинда «Ўзбекистонда «Facility» ўрмончилик дастурини амалга ошириш ва жамоатчиликни ҳабардор қилиш» мавзусига бағишланган ўтказилган семинар-тренингда ҳам соҳада янги самарали усулларни жорий этиш ҳамда бу борада аниқ режалар ишлаб чиқиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

ТАЛАБ КАМАЙМОҚДА

Франциянинг «Пежо-Ситроен» компанияси 2008 йилнинг октябритдан ҳозирга қадар 343 миллион евро миқдорда молиявий зарар кўрди. Шу даврда компаниянинг савдоси 7,4 фоизга пасайди. Бу ҳақда компаниянинг матбуот хизмати маълум қилди.

Мутахассислар экин орада Европа мамлакатларида автомобилга талаб 20 фоиз камайишни баъорат қилипти. Хабарларга қараганда, Франция ҳукумати «Пежо-Ситроен» ва «Рено» компанияларига беш йил муддатта 6,5 миллиард евро миқдорда кредит ажратмоқчи.



ЗАРАР ЕТКАЗМОҚДА

Австралия жанубида ўрмон ёнғинлари оқибатида ҳалок бўлганлар сони икки юзга етди. Хабарларга қараганда, ёнғин икки мингга яқин турар-жой биносини ўз домига тортиган. Зарар кўрган оилага моддий ёрдам кўрсатилаётди.

Австралия қутқарув хизматининг маълум қилишича, бир неча кундан буён давом этаётган ёнғин 3900 квадрат километр майдондаги ўрмоннинг қулини кўкка соверган.



Банк-молия тизимининг барқарорлигини ҳамда банкларнинг инвестиция фаолиятини ошириш учун ишончли ресурс базасини яратиш мақсадида аҳоли ва юридик шахсларнинг тижорат банкларидеги депозитларга жалб этилаётган маблағлари ҳажми кенгайтирилиши мамлакатимизнинг 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бош йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

1991 йил 7 сентябрда Президентимизнинг Фармонида мувофиқ ташкил этилган «Ўзбекистон банк»нинг филиаллари тармоғи шаклланиб боргани сайин, у 1998 йилдан эътиборан энг катта хорижий банклар таърибасини ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг депозит ҳисобварақларига маблағларни жалб этиш билан аниқ мақсадли шуғуллана бошлади. Қабул қилинган қарорнинг турилигини шундан ҳам қўриш мумкинки, олиб борилаётган ушбу иш барқарор ресурс базасини шакллантиришига эмас, айна пайтда хизмат кўрсатлаётган миқозлар дорисини янада кенгайтириш имконини ҳақ берди.

Ҳозирги вақтда банк ўз миқозларига қарийб 75 турдаги чакана хизматларни тақдим этаётди. Булар миллий ва хорижий валюталардаги депозитларга маблағларни қабул қилиш, ҳисоб-китоб-хисса хизматлари кўрсатиш, истеъмол, ипотека, овердрафт ва бошқа турдаги кредитлар бериш, сўмдаги ва халқаро бериш, сўмдаги ва халқаро пластик карточалар бўйича хизмат кўрсатиш, пул жўнатмалари, валютга айирбошлаш операциялари каби ва бошқа хизматлардир.

Миллий банк аҳолининг бўш пул маблағларини фаол жалб этиб бериб, иқтисодиёт субъектларини кредитлаш учун ўз ресурс базасини кенгайтирибгина қолмасдан, айна пайтда пул маблағлари банкдан ташқарида айланишини қисқартириб ишига ҳам ўз улушини қўшмоқда. Бундан омонатчи унинг маблағлари фақат бут сақланиши ва анча кўпайиши эмас, шу билан бирга бу омонат унинг миқдоридан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида мувофиқ, тула ҳажмда қайтарилиши ҳам қафолатланди.

★ Иқтисодиёт ва ислоҳот

омонат турлари ишлаб чиқилмоқда ва жорий этилмоқда, миқозларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ривожлантирилмоқда, жўшқин ўзгариб турган иқтисодий ва техниканинг омилига қараб, банкнинг ўз нарх ва тариф сиёсати шакллантирилмоқда.

ли депозити бўйича ютуқлар тиражи ўтказилди. Бу тираж натижаларига кўра омонатчиларга тўланган ютуқларнинг умумий суммаси 18,3 млн. сўмни ташкил этди.

Ҳар йили мамлакат ҳаётининг турли саналарига бағишлаб, шунингдек, ҳар бир йил давлат дастурларидан

Ҳозир Миллий банк муассасаларида миллий валютадаги 14 хил депозит амал қилапти. Улар бўйича йиллик 16 фоиздан 18 фоизгача, жумладан, сақлаш муддати тугаганидан кейин бонуслар (2-3

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ: ҲАР БИР МИЖОЗ МАНОФААТЛАРИ УЧУН

умумий ҳажмининг бешдан бир қисмини ташкил этади. Фақат 2008 йилнинг ўзида жисмоний шахсларнинг миллий ва хорижий валюталардаги депозитларида турган маблағлар қолдиги даяри 22 млрд. сўм кўпайди.

Миллий банк аҳолининг бўш пул маблағларини фаол жалб этиб бериш, иқтисодиёт субъектларини кредитлаш учун ўз ресурс базасини кенгайтирибгина қолмасдан, айна пайтда пул маблағлари банкдан ташқарида айланишини қисқартириб ишига ҳам ўз улушини қўшмоқда. Бундан омонатчи унинг маблағлари фақат бут сақланиши ва анча кўпайиши эмас, шу билан бирга бу омонат унинг миқдоридан қатъий назар, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида мувофиқ, тула ҳажмда қайтарилиши ҳам қафолатланди.

Ушбу хизматларнинг жозибдорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида Миллий банк томонидан доимий асосда фуқароларнинг ижтимоий ва ёш тоифасини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил

бирини бажариш йили, деб эълон қилиниши муносибати билан, янги депозитлар тақлиф этилапти. Чўнқни охириги йилларни олдидан бўлса, «Хомийлар ва шифокорлар» йилида «Шифокор», «Ижтимоий ҳимоя» йилида «Еш оила», «Ешлар йили»да «Қамолот», «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да «Замин» омонатлари жорий этилди.

Миллий банк фаолияти аҳолининг жамғармалари энг мақбул тарзда ишга солинишига ҳамда омонатчиға, банкка, бутун мамлакат халқиға ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан фойда келтиришиға қаратилган.

Чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида 2008 йил учун тасдиқланган сиёсат муваффақиятли амалга оширилганлиги Миллий банкка аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича ўтказилган танловда ғолиб бўлиш ҳамда «Аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича йилнинг энг яхши банки» деган асосий ва «Миллий валютадаги энг яхши мўддатли депозит» деган қўшимча номинацияда («Янгилик» омонати) биринчи ўринни эгаллаш имконини берди.

Бу танлов мамлакат Президентининг 2008 йил 31 октябрдаги қарорига муво-

нинг ўзида миқозларга хизмат кўрсатувчи 117 та пунктда умумий суммаси 171 млн. АҚШ долларидан ортиқ суммадаги 236 мингдан зиёд операция бажарилди.

Миллий банк республика аҳолисиға қўрсатилаётган хизматлар ҳажмини режалли ҳолатда тобора кенгайтириб, 2000 йилдан буён омонатлар бозоринда ўз пешқадамлик мавқеини сақлаб турибди.

1998-2008 йилларда миллий ва хорижий валюталарда

Хозирги вақтда жисмоний шахсларга омонат ҳисобварақлари очиб қўриқилиш қўрсатилаётган хизматлар орасида банкларро жўнатмалар бўйича ҳам, халқаро тизимлар орқали ўтказилаётган тезкор пул жўнатмалари бўйича ҳам бажарилаётган операцияларга талаб айниса, кучийди.

Хозирги кунда банк муассасалари юқоридеги айтилган тизимдан ташқари, «MIGOM», «Азия Экспресс» тизимлари орқали, жумладан, вақил банкларнинг «CONTACT», «Лидер» ва «Юнис-Трим» тармоғидан фойдаланган ҳолда тезкор жўнатмаларни амалга ошираётганлар. Тезкор пул жўнатмалари бўйича операциялар ҳажми доимий равишда ўсапти. Фақат 2008 йил-

Хозирги кунда банк муассасалари юқоридеги айтилган тизимдан ташқари, «MIGOM», «Азия Экспресс» тизимлари орқали, жумладан, вақил банкларнинг «CONTACT», «Лидер» ва «Юнис-Трим» тармоғидан фойдаланган ҳолда тезкор жўнатмаларни амалга ошираётганлар. Тезкор пул жўнатмалари бўйича операциялар ҳажми доимий равишда ўсапти. Фақат 2008 йил-

Хозирги кунда банк муассасалари юқоридеги айтилган тизимдан ташқари, «MIGOM», «Азия Экспресс» тизимлари орқали, жумладан, вақил банкларнинг «CONTACT», «Лидер» ва «Юнис-Трим» тармоғидан фойдаланган ҳолда тезкор жўнатмаларни амалга ошираётганлар. Тезкор пул жўнатмалари бўйича операциялар ҳажми доимий равишда ўсапти. Фақат 2008 йил-

Хозирги кунда банк муассасалари юқоридеги айтилган тизимдан ташқари, «MIGOM», «Азия Экспресс» тизимлари орқали, жумладан, вақил банкларнинг «CONTACT», «Лидер» ва «Юнис-Трим» тармоғидан фойдаланган ҳолда тезкор жўнатмаларни амалга ошираётганлар. Тезкор пул жўнатмалари бўйича операциялар ҳажми доимий равишда ўсапти. Фақат 2008 йил-

Хозирги кунда банк муассасалари юқоридеги айтилган тизимдан ташқари, «MIGOM», «Азия Экспресс» тизимлари орқали, жумладан, вақил банкларнинг «CONTACT», «Лидер» ва «Юнис-Трим» тармоғидан фойдаланган ҳолда тезкор жўнатмаларни амалга ошираётганлар. Тезкор пул жўнатмалари бўйича операциялар ҳажми доимий равишда ўсапти. Фақат 2008 йил-

«Ўзбекистон овози»
Матбуот хизмати.

Тошкент — менинг тақдиримда



Тошкент десам, дарҳол тушади эсга, Менинг йигит вақтим, сенинг қиз вақтинг...

Иброҳим ЮСУПОВ

Ириқ шаҳарларда меҳр-қўриқат кам бўлади, дейишади. Бир томондан тўғри бу. Дунёнинг манаман деган шаҳарларини кўрганман. Лондон, Москва, Истанбул, Токио, Анкара, Карачи... Катта шаҳарларда фақат яқин кишингиз ёки қандайдир бир юмуши бор одамгина сизга меҳр-илтифот кўрсатади. Лекин Тошкент ҳақида бундай деб бўлмайди. У ҳақда ўйлаб, унутилмас эсдаликлар хаёлимга келади, бағрим ширин туйғуларга тўлгандай бўлади.

МЕХҲАР

Бригадаси бўлиб, унга Васакос исми ёшунли раҳбарлик қилган. Исимини айтмай деса, тили айланмасди, шунинг учун у мени «студент» деб атарди. Жуда меҳрибон эди. Грекча таомлар тайёрлаб келиб, дастурхонга тақлиф этарди. Тамадди пайти улар она тилида сўзлашарди, фақат менга русча мурожаат қилишарди. Бригадир босиқ-вазимин одам эди, жаҳли чиқса, бор овози билан грекчалар койирди. У автокорт тагига ҳеч мени йўлатмаган ва иш тугашига бир-икки соат қолганда: — Студент, ўқишга жўна! — деб руҳсат берарди.

Ҳозирги йил саногимиздан қарийб икки юз йил илгари бунёд этилган Гўзал Тошкент аждодларимизнинг орзу-умиди тимсолига айланмоқда. Унда халқимизга хос олижаноб фазилатлар мужассам. Юртимизни дунё билан боғлаб турибди.

Ҳозирги йил саногимиздан қарийб икки юз йил илгари бунёд этилган Гўзал Тошкент аждодларимизнинг орзу-умиди тимсолига айланмоқда. Унда халқимизга хос олижаноб фазилатлар мужассам. Юртимизни дунё билан боғлаб турибди.



Шундан кейин атай Тошкентга бориб, Хастимомни зиёрат қилдим. Шунда юрагимга чўғ тушди. Қурьони Каримнинг Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси ва тафсири қўлдан бўён мени маҳлиё этиб келарди. Муслмонлар идораси изни билан қорақалпоқ тилига ўғиришга киришдим. Бу жараён ишлардан кўнглим тўлғунча давом этди. Худо хоҳласа, бу йил у китоб бўлиб чиқади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига! СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ХИДДИНКНИНГ ШАШТИ БАЛАНД Интер-спорт ФЕДЕРАТЕР КОРТ ТАШҚАРИСИДА

БАЁННОМАДА КЎРСАТИЛМАГАН ВАЛЮТАЛАР

ОЛХЎРИ «ОПЕРАЦИЯ»СИ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига! «ЎЗБЕКISTON ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МАК «НАМАНГАН» АЭРОПОРТИ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига! «ЎЗБЕКISTON ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МАК «НАМАНГАН» АЭРОПОРТИ

Table with 4 columns: No, Inshoot nomi, Boшланғич нархи ҚҚС билан (сўм), Қурилишни якунлаш мuddати (кун)

MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz